Ўзбекистон врачлар ассоциацияси 30 ёшда

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси Хоразм вилоят бўлимининг асосий мақсадларидан бири тиббиёт ходимларининг малака оширишларига, билим ва савияларини юксалтиришга ёрдам бериш. Шу мақсадда барча шахар-туман тиббиёт бирлашмаларида ўқув хоналари ташкил қилинди, Гурлан, Тупроққалъа туман тиббиёт бирлашмаларига компьютер жамламалари олиб берилди.

ЎВА 2010 йилдан буён ТАШИУВ билан хамкорликда "Ўзбекистон врачларга ассоциацияси бюллетени" журнали ёрдамида масофавий таълим тизимини жорий этди. Ўтган йиллар давомида Хоразм вилоятида 300 га яқин шифокорлар масофа орқали малакасини ошириб, сертификатларга эга бўлдилар. Масофа орқали малака оширганлар орасида Урганч, Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали, вилоят кон куйиш маркази шифокорлари кўпчиликни ташкил қилади.

Бундан ташқари, вилоят бўлими томонидан хар йилги шифокорларнинг малака оширишлари учун тегишли маблағ сарфланади. Ўз билимларини ошириш мақсадида хар йили шифокорларимиз "Бюллетень Ассоциации врачей" ва "Вестник врача общей практики" журналларига обуна бўладилар. Бу журналларда шифокорлар учун кўплаб илмий-амалий янгиликлар чоп қилиб борилади. Бундан ташқари, ассоциация вилоят бўлими томонидан кўплаб давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар, очиқ мулоқотлар ташкил қилиниб келинмоқда.

Айтайлик, 2018 йилда масофадан ўқиш учун 9 нафар шифокорларга модулий ёрдам кўрсатилди. Янги очилган Урганч шахар шифохонасига шифокорлар билим ва ва фаолият самарадорлигини ошириш учун компьютер ажратилди ва ўқув хонаси ташкил қилинди.

2019 йилда 3 нафар шифокорнинг малака ошириши учун 4 миллион 300 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан 13 нафар шифокор "Бюллетень Ассоциации врачей Узбекистана" журналига бир йилга бепул обуна қилинди.

2020-2021 йилларда 15 та даволаш-профилактика муассасаси "Бюллетень ассоциации врачей Узбекистана" журналига бўлим томонидан обуна қилинди. Қўшқўпир туман тиббиёт бирлашмаси шифокорларининг малака оширишларини таъ-минлаш учун ўқув хонасига принтер олиб берилди.

2021 йилда ассоциация ишларида фаол қатнашган 8 нафар шифокорларнинг масофадан ўқишлари учун хомийлик ёрдами кўрсатилди.

Маълумки, 2010 йилдан буён Ўзбекистон врачлар ассоциацияси томонидан олий ўқув юртларида тахсил олаётган билимли, тиришқоқ талабаларга стипендиялар ажратилиб келинади. Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалидан бир талаба учун стипендия хар йили вилоят бўлими томонидан тўлаб борилади. Ўтган даврда вилоятимиздан 10 нафар талаба Ўзбекистон врачлар ассоциацияси стипендиати бўлди.

Бўларнинг самарасини кейинги йилларда вилоятимизда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва қўлами ошиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин. Вилоят бўлими томонидан шифокорлар малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар давом этади.

Светлана ПОЛВОНОВА,
Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Хораам вилоят перинатал марказида 1-12 август кунлари халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарнинг очилиш маросимида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Улуғбек Жуманиёзов, вилоят перинатал маркази директори Саломат Матяқубова, Россия Федерацияси Академик В.И.Кулаков номидаги Миллий акушерлик, гинекология ва перинатология илмий тадқиқот маркази масъул ходими Константин Титков ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда тиббиёт сохасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари, бу жараёнда Республикада янги ташкил этиладиган туманлараро перинатал марказлар учун зарур бўлган мутахассисларни чет эл мамлакатларининг илмий марказ ва клиникалари ўқитувчи-педагоглари томонидан максадли тайёрлаш вазифалари амалга оширилаётганлиги, икки ҳафта давом этадиган семинарда нималарга аҳамият бериши ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Семинарда вилоятимиздан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шахридан 90 дан зиёд акушер-гинеколог, неонатолог, реаниматолог шифокорлар иштирок қилди.

Семинар давомида оналик ва болаликни мухофаза қилиш, акушерлик ёрдами кўрсатиш, янги туғилган чақалоқлар парвариши борасида дунёнинг энг илғор тажрибаларини ўртоқлашдилар. Семинарлар замонавий мультимедия воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда назарий, амалий машғулотлар тарзида олиб борилди.

Бундай халқаро семинар бир вақтнинг ўзида Самарқанд шахрида ҳам бўлиб ўтди.

Саломат МАТЯҚУБОВА,
вилоят перинатал маркази директори

МУРУВВАТ ТАДБИРЛАРИ

Бағрикенг халкмиз. Бир-бировга яхшилик қилиш, хасталар холидан хабар олиш, эҳтиёжмандларни кўллаб-қувватлаш нафақат анъана, балки давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Хоразм вилояти ташкилоти томонидан ҳам кўплаб хайрли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузурудаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни кўллаб-қувватлаш жамоат фонди "Хоразм вилояти Янгиарик, Қўшқўпир ва Янгибозор туманларида соғлом авлодни тарбиялаш, ирсий, юқумли ва онкологик касалликларни олдини олиш" мавзусидаги ижтимоий буюртма лойиҳаси доирасида тайёрланган озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена воситалари Янгиарик, Қўшқўпир ва Янгибозор туманларида истиқомат қилувчи бир гуруҳ эҳтиёжмандларга етказиб берилди. Хонадонларда эҳтиёжманд ёки имконияти чекланган аҳоли билан суҳбатлашар эканмиз, улар дили ва тилидаги шукроналикни кўриб қойил қолдик. Бу эса давлатимизнинг аҳолини ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш борасида олиб бораётган ислохотлари натижасида ҳар бир юртдошимиз жамиятда ўз ўрнини топишга муваффақ бўлаётгани натижасидир.

Ташкилотимиз юртдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлашга, ижтимоий кўллаб-қувватлашга хар доим камарбаста. Зеро, Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!

Замира ПОЛВОНОВА,
Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раҳбари

"ОЙНА ДАВРИ"-БУ НИМА?

ОИВ инфекцияси/ОИТС касаллиги тарқалишида жиддий эътиборни қаратиш лозим бўлган давр ҳақида

"Ойна даври"- бу нима? Бу серонегатив, сероконверсион давр хисобланади. Ойна даврида - инфекцион агенти (бошқа юқумли касалликлар каби virus, бактерия ва бошқалар) аллақачон танага кирган ва кўпайиб бораётган бўлиб, бироқ беморнинг қонида антителалар ҳали пайдо бўлмаган давр хисобланди.

ОИВ тест-ИФА синамалари танадаги вирусни аниқламайди. Улар фақат антителалар ёки антигенларнинг мавжудлигини аниқлашлари мумкин (Антитела-бу танадаги бегона молекулаларнинг пайдо бўлишига жавобан иммунитет тизими ишлаб чиқарадиган оқсил. Антиген- бу бегона генетик маълумотни олиб юрадиган молекуляр компонент).

Организм мос равишда virus тушиши билан турлича таъсир қилади ва турли даврларда 2 ҳафтадан 6 ойгача антителалар ишлаб чиқаришни бошлайди. Антигенлар танада дархол пайдо бўлади, аммо уларнинг концентрацияси шунчалик паст бўлиши мумкинки, тест уларни аниқлай олмайди ва бу даврда одам ОИВ тестининг салбий натижасини олади.

Шу билан беморлар ўзига ОИВ инфекцияси юқмаган деб хисоблашади, бирок бу энг катта хато бўлади, чунки организмда ОИВ вируслари мавжуд, улар кўпайиш жараёнида.

Шундай қилиб, бу давр "Беморга касаллик юқтиргандан антителаларнинг пайдо бўлишигача бўлган вақт - "Ойна даври" деб номланади. Шунинг учун шифокорлар танада ОИВ мавжудлигини аниқлаш учун тестни бир неча марта ўтказишни маслахат беришади - "Инсон касаллик юқтириши мумкин бўлган пайтдан- 2 ой ва 6 ой ўтгунга қадар".

Шуни эсда тутиш керакки, Сизнинг тестларингиз "Манфий" натижани кўрсатса хам, Сиз ОИВ билан касалланмаган деб гумон қилинсангиз ҳам, тестингизнинг якуний натижаси бўлгунча жуда эҳтиёт бўлишингиз керак. Чунки вирус танада яшаши ва ривожланиши, кон ва секрециялар-да бўлиши мумкин ва одам нафақат ташувчиси, балки касалликнинг потенциал тарқатувчиси ҳам бўлиши мумкин. Агар Сиз ОИВ билан касалланган деб гумон қилинсангиз, энди Сизнинг жавобгарлигингиз борлигини тушунишингиз ва билишингиз керак, чунки Сиз якин одамларга юқтиришингиз мумкин.

Бироқ бир мунча вақт ўтгач, кўрқувлар бехуда бўлиб чиқса ва ОИВ тести "Манфий" бўлиб чиқса ҳам кўрилган чоралар ортиқча бўлмайди, чунки шу тарзда Сиз бошқа жиддий касалликлар юқтириш эхтимолини минималлаштирасиз.

Соғлигингизни сақлашга ва Сизга яқин одамларнинг касал бўлишига йўл қўймасликка ёрдам берадиган оддий профилактика воситалари қаҳида эслаш ҳар доим муҳимдир.

Омонбой ОЧИЛОВ,
вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош врачнинг эпидемиология масалалар бўйича ўринбосари

ФИРИБГАР МУНОСИБ «ТАҚДИРЛАНДИ»

Урганч туманида яшовчи Матмуратов Қудрат Қуролович (исм-шарифлар ўзгартирилган), Урганч шахри бўйича ИИО ФМБ тергов бўлими томонидан олиб борилаётган жиноят иши юзасидан фуқаро Х.Алламовнинг ўғли А.Алламовга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танишлари орқали ўзгартириб беришини ваъда қилиб, эвазига 11 000 АҚШ долларини пора сифатида беришга ундаган. Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси, Боғот тумани бўлими ва ДХХ вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Қ. Матмуратов 11 000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Шовот тумани судининг ҳукмига асосан фуқаро Қ.Матмуратов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли бандлари билан айбдор деб топилиб, тегишли жазо тайинланди.

Қилмиш-кидирмиш деб шуни айтадилар. Ўз нафси йўлида ўзгаларга панд берадиганларнинг ҳолига вой.

Хушнуд АЛЛАБЕРГАНОВ,
Департаментнинг Боғот тумани бўлими инспектори

Тиббий фаолият учун лицензиянинг амал қилиш муддати қандай узайтирилади?

Лицензия - лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжат хисобланади.

Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1.Ариза берувчи ЯИДХПда рўйхатдан ва ёки авторизациядан ўтади ва сўров юборади.

2. Ишчи орган ариза қабул қилинган кундан бошлаб тиббий фаолиятни амалга оширишга мўлжалланган хоналарнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларга мувофиклиги ҳақидаги хулосани олиш учун давлат санитария-эпидемиология назоратининг тегишли ҳудудий марказига бир кун мобайнида ариза ёзиш керак.

3. Давлат санитария-эпидемиология назоратининг тегишли ҳудудий маркази ишчи органга идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали жойига бориб ўрганиш асосида тузилган хоналарнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мослиги ҳақидаги хулосани тақдим этади.

4. Ишчи органнинг эксперти хоналарнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига мослиги ҳақидаги хулоса олинганидан сўнг жойига борган ҳолда бир ҳафта муддатда лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиклигини текшириш бўйича экспертиза ўтказади. Шунингдек, экспертиза натижаларига кўра лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш ҳақидаги эксперт хулосасини беради.

5. Лицензияловчи орган эксперт хулосасига кўра лицензия бериш ёки уни беришни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилади.

6. Лицензияловчи орган ўз қарори ҳақида лицензия талабгорини у ўз аризасида кўрсатган шаклда, банк хисоб рақами реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда хабардор қилади. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома лицензия талабгорига у аризада кўрсатган шаклда ёзилади, унда рад этиш сабаблари ва лицензия талабгори уларни бартараф этиш сабаблари ва лицензия талабгори уларни бартараф этган ҳолда қайта кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилади. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун етарли бўлиши зарур.

Г.УРАЗИМБЕТОВ,
Д.МАТИЯЗОВ,
Боғот тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсультлари

#Рақамлар
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ДЕМОГРАФИК СТАТИСТИКАСИ

2022 йил 1 июль ҳолатига Хоразм вилоятининг доимий аҳолиси сони 1 936 596 кишини ташкил қилган бўлиб, республика аҳолисининг 5,5 фоизига тенг бўлган. Йилнинг бошидан буён аҳоли сони 12,4 минг кишига ёки 0,6 фоизга кўпайган.

Хоразм вилояти шаҳар ва туманлари кесимида 2022 йил 1 июлига энг кўп аҳоли сони Урганч туманида қайд этилиб, 207,1 минг киши бўлган ва вилоят аҳоли сонида туманнинг улуши 10,7 фоизни ташкил қилган.

2022 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони 17 490 кишини ташкил қилиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 902 тага кўпайган. Туғилиш коэффициенти мос равишда хар 1000 аҳолига 18,3 промиллега тенг бўлган. Вилоят бўйича энг кўп туғилиш ҳолатлари Хазорасп туманида (2045 нафар), Урганч шаҳри (1897 нафар) ҳамда Урганч (1852 нафар) туманида қайд этилган.

2022 йил 1 июль ҳолатига вилоятимиз доимий аҳолисининг 54,1 фоизини меҳнат ресурслари ташкил этиб, уларнинг умумий сони 1047,6 минг кишига тенг бўлган. Шундан меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнат қилишга лаёқатли бўлганлар сони 1 042,0 минг кишига тенг бўлган. Қолган 5 604 нафарини ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар ташкил этган.

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 августдаги 432-сон қарори билан "Адвокатлик фаолиятини мақсус электрон тизим орқали лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом" тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш қуйидаги мутахассисликлар бўйича амалга оширилади:

- фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш;
- маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш.

Ҳар бир адвокат тегишли ихтисосликни мустақил танлаш ва у бўйича малака имтихонини топшириш ҳуқуқига эга.

Талабгор лицензия олиш учун қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- Ўзбекистон фуқароси бўлиши;
- олий юридик маълумотга эга бўлиши;
- юридик мутахассислик бўйича камида 2 йил иш стажига эга бўлиши;
- адвокатлик тузилмасида камида 3 ой стажировка ўтаган бўлиши;
- малака имтихонини муваффақиятли топширган бўлиши.

Талабгор лицензия олиш учун аризани "Лицензия" АТ ёки ЯИДХП орқали онлайн юборади. Аризалар ҳар куни, дам олиш куни ва байрам кунларидан қатъи назар, 24 соат давомида юборилиши мумкин.

Танланган ихтисослик бўйича малака имтихонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун 3 ой ичида тегишли лицензияловчи органга (Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига) мурожаат қилиши лозим.

Лицензия талабгорнинг доимий яшаш жойи бўйича лицензияловчи орган томонидан чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амал қилади.

Аризани кўриб чиқиш учун БҲМнинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим тўлангандан сўнг ариза автоматик тарзда талабгорнинг доимий яшаш жойидаги лицензияловчи органга юборилади. Ариза 10 иш куни ичида кўриб чиқилади. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга хабарнома юборилади.

Талабгор хабарнома юборилган кундан бошлаб 3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда давлат божини (1 БҲМ) тўлайди. Тўлов тўлангандан сўнг QR-код қўйилган лицензия талабгорга юборилади.

Сардор ЯВКАЧЕВ,
Урганч туман адлия бўлими бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ХИЗМАТ САФАРИГА ҚАНДАЙ ЮБОРИЛАДИ?

2022 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 424-сон қарори қабул қилинди.

Низом билан қуйидагилар белгиланди:

ходимларни хизмат сафарига юбориш тартиби;

хизмат сафарига юборилаётган ходимга хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш; ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; хизмат сафарига кетаётган ва хизмат сафаридан қайтаётган шахсларни рўйхатга олиш бўйича махсус электрон журналлар юритиш тартиби.

Молия вазирлигига Давлат солиқ қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда хизмат сафари харажатлари хисобини юритиш бўйича дастурий таъминот ва унинг мобил иловасини ишлаб чиқиш ҳамда ишга туширишни тоширилди.

Низом қоидалари бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари, бюджет тизимига бюджетларидан маблағ ажратиладиган бошқа жамғармалар, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслардан ташқари бошқа барча ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан тавсияий хусусиятга эга.

Низомга кўра, хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади, аммо йўлдаги вақтни хисобга олмаган ҳолда 30 календар кундан кўп бўлмаслиги лозим. Монтаж, қурилиш ва қидирув ишларини бажариш учун юборилаётган ходимлар, рахбарлар ва мутахассисларнинг хизмат сафари муддати 12 ойдан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда, Президентнинг ва Ҳукуматнинг хужжатлари ва топшириқларига мувофиқ ходимларни хизмат сафарига юборишда бошқа муддатлар белгиланиши мумкин.

Хизмат сафарига юборилган ходимни хизмат сафарида бўлган муддатида ва йўлда бўлган муддатда лавозими ва иш ҳақи сақланиб қолади. Хизмат сафарига юборилган ходимнинг турар жой билан боғлиқ харажатлар, транспорт харажатлари, шунингдек, кундалик харажатлари копланади. Хизмат сафарига юборилаётган ходимга хизмат сафарига кетишдан олдин пул қўринишидаги аванс тўланади. Бунда, ходим хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан уч куни мобайнида аванс хисоботини тақдим қилиши керак.

Хизмат сафарида бўлган ходимга у юборилган ташкилотдаги иш вакти режими ва дам олиш вакталари кўланилади. Агар ходим хизмат сафарида дам олиш ёки байрам кларида ишлаган бўлса, ушбу кунларда ишлагани учун амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ компенсация тўланади.

Жасур АТАЖАНОВ,
Урганч туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи